ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
Ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази фаолияти бўйича
ҲИСОБОТ (2025–2026 ўқув йили)

Тошкент давлат тиббиёт университетида **2025–2026** ўқув йилидан бошлаб талабаларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини яхшилаш мақсадида Ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази фаолияти йўлга қўйилди. Марказ таркибида **1 нафар** раҳбар ***(тиббиёт фанлари фалсафа доктори, психотерапевт)***, **4 нафар** амалиётчи психолог ва **1 нафар** хотин-қизлар психологи фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда университетда жами **32 345 нафар** талаба таҳсил олмоқда, уларнинг **16 682 нафари** қизларни ташкил этади. Талабалардан **5 249 нафари** талабалар турар жойида (шундан **2 954 нафар** қиз), **11 270 нафари** ижара хонадонларда (шундан **6 847 нафар** қиз), **134 нафари** қариндошларникида (шундан **113 нафар** қиз), **10 602 нафари** ўз уйидан қатнаб ўқийди (шундан **5 768 нафар** қиз). Шунингдек, **5 775 нафар** талаба билан ижара шартномалари тузилган бўлиб, улардан **2 935 нафари** талаба-қизлардир.

Марказ психологлари томонидан талабаларни қамраб олиш ва уларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини ўрганиш мақсадида жами **8 017 нафар** талаба психологик паспорт тўлдирган бўлиб, шундан **3 827 нафари 1-курс** талабаларидир. Илк босқичда эса **6 986 нафар** талабадан маълумот олиниб, **3 272 нафар 1-курс** талабалари бўйича алоҳида таҳлил ишлари амалга оширилди.

Ҳисобот даврида марказ томонидан **386 нафар** талаба билан индивидуал суҳбатлар, **67 маротаба** гуруҳий суҳбатлар, **38 маротаба** психологик тренинг машғулотлари, **12 маротаба** тюторлар билан семинар-тренинглар ва **32 маротаба** профилактик учрашувлар ташкил этилди.

Психологик диагностика ишлари доирасида талабалар ўртасида депрессия, стресс, ёлғизлик ва руҳий ҳолатни баҳолашга қаратилган сўровномалар ўтказилди. Жумладан, **1-курс** талабалари ўртасида ўтказилган “Сунг” сўровномасида **1 242 нафар** талаба иштирок этган бўлиб, улардан **90 нафарида** юқори даражадаги депрессив ҳолат аниқланди ва улар билан индивидуал ишлар олиб борилди. **3-курс** талабалари ўртасида ўтказилган руҳий ҳолат таҳлилида **1 382 нафар** талабадан **210 нафарида** психологик ўзгаришлар қайд этилди. **4-курс** талабалари ўртасида депрессив ҳолатларни ўрганиш ишлари давом этмоқда (**456 нафар** қамраб олинган). **2-курс** талабаларида ёлғизлик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.

Марказ томонидан ўтказилган психологик тренинглар талабаларнинг мослашув жараёнларини енгиллаштириш, жамоавийликни шакллантириш, стрессни бошқариш ва шахсий ривожланишга қаратилди. Жумладан, “Мослашув ва жамоавийлик”, “Мақсад ва режа”, “Социометрия”, “Мулоқотчангликни ошириш”, “Стресс ва унинг оқибатлари”, “Стрессни олдини олиш”, “Орзу ва мақсад сари”, “Диққат ва жамоа жипслиги”, “Эмоционалликни бошқариш”, “Темперамент ва стресс”, “Бефарқлик ва унинг оқибатлари” каби мавзуларда жами **38 та** тренинг ўтказилди.

Шунингдек, профилактик ва маънавий-маърифий тадбирлар доирасида “Хавфсизлик — ҳаёт гарови”, “Зўравонлик профилактикаси”, “Гиёҳвандликка қарши кураш”, “Аддиктив хулқ-атвор профилактикаси”, “Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари”, “Гендер тенглик ва касбий этика”, “Миллий қадриятлар ва мотивация” каби мавзуларда суҳбат ва очиқ мулоқотлар ўтказилди (**32 маротаба**).

Талаба-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида ижара хонадонларда яшовчи талабалар ҳолати ўрганилди, талабалар турар жойларида мунтазам профилактик ишлар олиб борилди. Марказ психологлари малакасини ошириш мақсадида **5 нафар** мутахассис малака ошириш курсларида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг **2025 йил 8 сентябрдаги 4/15-2312-сонли хати** ижросини таъминлаш доирасида сўнгги **8 ой** давомида Тошкент давлат тиббиёт университети ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази томонидан белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилди. Жумладан, университетнинг **12 та факультетида** таҳсил олаётган жами **1209 нафар** ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларнинг тахминан **92 фоизи** қамраб олинди, шундан **130 нафар** чин етим ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари экани аниқланди. Ушбу тоифадаги талабаларнинг 12 **нафари** давлат таъминотига олинган, **108 нафари (**100 фоиз**) 63 нафари**га **50 фоиз** тўлаб берилди, талабалар турар жойи тўловлари университет томонидан қоплаб берилган. Шу билан бирга, ушбу контингент талабаларнинг тахминан **85–88 фоизи** билан психологик ва маънавий-маърифий ишлар олиб борилиб, танлаб олинган гуруҳлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди ҳамда ҳар ойнинг **10 санасига қадар** мониторинг ишлари йўлга қўйилиб, ижро интизоми таъминланмоқда.

Ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази раҳбари **Р.Б.Полванов**